

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

#### «УЗБЕКҚИШЛОҚМАШ»

Очқич ақиддорлик жамиятида импорт ўрини босувчи мола-ма, яъни дон экидиган 5 та машина ишлаб чиқарилди.

#### ТОШКЕНТ

автоматика ва радиотехника коллежида Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантиришга мўлжалланган лойиҳаси асосида семинар ўтказилди. Шуниси эътиборлики, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида бу банк 130 миллион АКШ доллари миқдоринда сарфманд қилган.

#### СОБИР

Раҳимов туманидаги «Корсарой» маҳалласида янги гузар қурилди. Натijasида маҳалладаги 50 нафар киши иш билан таъминланди.

#### ТОШКЕНТ

Давлат иқтисодиёт университетида талабалар иштирокида Чилонзор туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан «Миллий ғоя, ватанпарварлик ва тинчлик учун кураш», «Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш» мавзуларида икки кунлик илмий-амалий анжуман ўз ишینی бошлади.

#### ШАХРИМИЗДАГИ

«Мустақиллик» маҳалласида ўтказилган фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган тадбир туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан уюштирилди.

#### ТОШКЕНТ

Давлат циркида 38 нафар сартарош иштирокида ўтказилган шахар миқёсидаги кўрик-танловда «Эльза» ва «Назокат» хусусий сартарошхоналарининг сартарошлари ғолиб бўлишди.

## КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА

#### Республикамиз Мустақилликка эришгач, барча миллатларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги кафолатланган жaxon андозалари даражасидаги Асосий Қонунимиз қабул қилинганда сўнг Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 га яқин миллат ва элатларнинг урф-одат ва удуллари қайта тиклаш, миллий байрамларини нишонлашлари учун кенг имкониятлар очилди. Хусусан, собиқ иттифок даврида бирорта миллий-маданий марказ мавжуд бўлмагани ҳолда ҳозирги кунда Республикаимизнинг барча вилоятларида 120 та миллий маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда. Бу демак республикамизда миллий маданият марказлари институти ташкил этилиб, унинг фаолият юритиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бинобарин, мана тўққиз йилдирки, Республика Байналмилал маданият марказида мамлакатимизда ахил, баҳамхуш истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари иштирокида Конституция кунига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилишининг хайри аниъанга айланганлиги ҳам республикамизда оқилона миллий сиёсатнинг қарор топганлигининг далолатидир.

Конституция кунини арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, республика Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар раислари, шахримиз олий ўқув юрларида таълим олаётган турли миллатларнинг урф-одатлари, динларига эътиқод қилишлари учун яратилган шарт-шароитлар, миллий барқарорлиқни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Давра суҳбатини олиб борган сиёсий шарҳловчи Шерзод Қудратхўжаев Конституцияимизнинг мазмун-моҳиятига кўра миллатларга тотувлик, инсонлар тўғрисида ҳамжўрлик руҳи билан йўрилганлигини таъкидлаб, миллатимизга хос бўлган меҳмондўстлик, саховатпешалик, ўзгалар дарадига шерик бўлиш каби юксак инсоний қасдлар Бош Қомиссиеси моддаларига сингиб кетганлигига алоҳида ургу берган ҳолда, унинг ҳуқуқий-демократик давлат тараққиётининг пойдевори эканлигини қайд этди.

Сўнг арман, болгар, рус, қирғиз, озарбайжон, дунган, корейс, поляк, литва миллий-маданий марказларининг раҳбарлари ва уларнинг вакиллари бўлиши ёшлар «Камолот» ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими вакиллари сўзга чиқиб, Ўзбекистон Конституцияси асосида турли миллатларнинг урф-одатлари, тилларини тиклаш йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб, юртимизнинг қудрати — миллатларнинг ахил, тинч яшаш ва тинчликсевар Ўзбекистон равшани йўлида қўли-қўлга қариб астойдил меҳнат қилишганлигини таъкидлагани таъкидлаган ҳолда барча йиғилганларни кириб келаятган қўтлуг байрам билан қўтлашди.

Биз давра суҳбати айрим қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазаларини қозғашга туширдик.



## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ



#### Исмоил МАМЕДОВ, Озарбайжон миллий-маданий марказининг раиси:

— Ўзбек ва озар халқлари азалдан қардош — тили, урф-одатлари, дини бир. Бир неча ўн йиллардан буён озарбайжонлар Ўзбекистонда яшаб ўзларини тинч-хотирхон, фаровон эси қилмоқдалар. Ўзбекистоннинг мустақиллиги эришиб, ўз Конституциясини қабул қилиши бу ерда истиқомат қилаётган барча миллатлар қатори биз озарбайжонларга ҳам миллий-маданий марказимизни тўзиб, ўз тарихимиз, маданиятимиз, урф-одат ва муқимамизни ҳаёфа бемалол татибқ этишимизга имкон бермоқда. 1999 йили миллий-маданий марказимиз биноси лойиҳасини шаҳар ҳокимлиги тасдиқлаган эди. Насиб этса келаси йили Наврўзга уни очиб режаларимиз бор. 2 декабрь кунини эса Миробод туманидаги 147-мактабда озарбайжон тили синфини очялмиз. Буларнинг барчаси Конституцияда миллати ва динидан қатъий назар Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тенг эканлиги қонидаси мустақамланганлигининг шарофатидир.

Дилшод ИСРОИЛОВ

## Таниқли аллома номида

#### Илгари хабар қилинганидек, Р.Р.Шредер номидаги илм даргоҳига ярим асрдан ортиқ давр мобайнида раҳбарлик қилган, халқимиз хурматиға сазовор бўлган академик Махмуд Мирзаев номи пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Юнусобод шоҳкўчасига қўйилган эди.

Юқорида зикр этилган илм даргоҳининг 100 йиллиги нишонланаётган кезда — ўтган шанба кун академик Махмуд Мирзаев номи билан аталувчи кўчада митинг бўлиб ўтди. Маълумки, бу кўча Муродов кўчасидан Тошкентнинг катта Халқа кўчасигача 3,2 километр узунликда, 35 митинг аҳоли яшайдиган бешта маҳаллани туташтириди. Ўзбекистон Республикаси Қўшлоқ ва сув ҳўжаллиги вазирилик матбуот хизматидан хабар қилишларича, митингга қатнашган туман жамоатчилиги вакиллари, маҳалла оқсозқоллари ва фалолари таниқли алломанинг хизматларини алоҳида таъкидладилар. Унда иштирок этган институт олимлари ва ходимлари Махмуд Мирзаев номи билан аталувчи кўчада кенг қўламдаги қўқаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини режалаштирилганлигини айтдилар. (Ўз мухбиримиз)

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

## Ёшлар тарбиясига эътибор

#### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қарори қабул қилинганига бир йилдан ошди. Ўтган вақт давомида қарор ижросини таъминлаш борасида ҳойларда ташкил қилинган комиссиялар томонидан баалоғатга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида бир мунча ишлар амалга оширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган шаҳар воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилишида бу ҳақда сўз юритилди. Унда бу борада самарали фаолият олиб бораётган Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза ва Чилонзор туман комиссияларининг амалий ишлари ижобий деб таъкидланди.

Йиғилиш давомида асосий эътибор Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги воғга етмаганлар комиссияси томонидан Тошкент шаҳрида олиб борилган назорат текширувлари натижаларига қаратилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланган бўлса-да, аммо айрим комиссиялар томонидан бу ишларга жиддий ёндашилганлигига эътибор қаратилди.

Хусусан, Мирзо Улуғбек туманида ҳисобда турган воғга етмаганлар билан амалда тарбия-профилактика ишлари ўтказилмаган, ишга муҳтож ўсмирлар ҳақида ҳаққоний

## Ҳамкорларимизга раҳмат!

#### Бугунги кунда 700 дан зиёд газета ва журналлар чоп этилмоқда ва уларнинг ҳар бирининг ўз йўналиши, ўз максоди бор ва албатта, ўз мухлисларига эга. Шу жумладан 35 йилдан бери мунтазам нашр этилаётган «Тошкент оқшомжи» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг ҳам ўзинга хос йўналиши бор.

#### «Оқшомнинг асосий максоди — 2,5 миллиондан зиёд аҳолиға республикамиз, унинг пойтахтида турли соҳада рўй бераётган ўзгаришларини вақтида ва аниқ етказишдир. Қуйида бу ҳақда мухлисларимиз фикр-мулоҳазаларини қандай?»

#### Зосим СОКОЛОВ, уруш фахрийси:

—Кўп йиллар давомида шаҳар газеталарига обуна бўлман ва, очигини айтганда, «Вечерка»лар ҳам дўстим, ҳам домийн хамроҳим бўлиб қолган. Яхши кунларда ҳам, бироз қийинчиликлар бўлганда ҳам бу газеталар менга дамда беради. Қандай дейсизми? Бунинг учун газеталарни саҳифалаб кўрсангиз, ҳаммаси ойдинлашади. Газеталар иқдорлари бизларга кўп нарсани оммабон тил билан етказишга ҳаракат қилишади. Биргина «Информбюро» (ХИ асп садоси) рўқни нафақат республика, дунёда бўлаётган воқеалардан воқиф бўлишга имконият беради... Ҳа, яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Мен бежиз ҳам «Оқшом», ҳам «Вечерка»ни тилга олганим йўқ. Ҳақиқатан ҳам иккала газетани бирдай кўриб ўқийман.

#### Фарҳод МАЛИКОВ, «Нон-пастан» АЖ раиси:

— Корхонамиз ўз фаолиятини 30 йил илгари бошлаган бўлса, шу вақтгача «Оқшом» газеталарига мунтазам обуна бўлиб келмоқдам.

Оммавий ахборот воситаларига ҳар қиннинг муносабати ҳар хил. Кимдир телевидение ёки радиони хуш кўради, кимдир атрафдан кўрган-билган хабарлар билан қиёфоланади, кимдир эса барча нарсалар тўла ахборотга эга бўлиш мақсадида газеталар билан ҳамкорлик қилади. «Ҳамкор» сўзини ишлатишим бежиз эмас, айниқса пойтахт нашрлари бўлиши «Тошкент

оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари устида гап борганда, кейинги пайтларда бу газеталарда асосан ҳар бир соҳага оид алоҳида саҳифалар чоп этилаётганлигини ва улар орқали барча йўналишдаги мутахассислар тегишли ахборот омишларини таъкидлашни истайман.

Дарҳақиқат обуна ҳақида хизмат юзасидан шу кунларда қерда бўлмайди, биринчи галда «Оқшом»га обуна бўлдингизми?» деган савол билан мурожаат қилиб, аниқ жавобни ҳам олишга ҳаракат қиломоқдамиз. Тахлиллар шуни кўрсатдики, пойтахтимизда обуна жараёни нафақат аҳоли ўртасида, барча қорхона, ташкилот ва муассасаларда қизин кетмоқда. Албатта, бундай хабар ҳамкасбларимизни қувонтирса керак, лекин ҳар бир яхши иш рағбатлантирилиши лозимлигини унутмаслигимиз ҳам лозим. Шундай экан, «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» тахририяти ўзининг домий обуначилари ҳақида газетанинг биринчи саҳифасида бериб боришни режалаштирди. «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига бир йилга обуна бўлган «Дори-дармон» ақиддорлик жамиятининг 18 та дориконаси, шаҳар санитария ва эпидемиология назорат марказининг барча туман бўлиmlари ва лабораториялари, Халқ таълими бос бoшқармасининг 500 дан зиёд тузилмалари, шу жумладан умумтаълим мактаблари, оммавий тадбирлар ўтказиш дирекцияси, «Тасвирий ойна» ижодий бирлашмасининг шаҳар ва туман бўлиmlари, Бектемир тумани ҳокимлигига газеталар жамоаси самий миннатдорчилигини билдиради. ҲАМКОРЛАРИМИЗГА ЯНА БИР БОР РАҲМАТ! САФИМИЗГА ҚўШИЛИНГ, АЗИЗ МУШТАРИЛАРИ!

## ОБУНА — 2002



## Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташкил этилганлигининг 100 йиллиги муносабати билан Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг олим ва мутахассислари, барча жамоа аъзоларига самий табрик йўлади.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға кўра Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ташкил топганлигининг 100 йиллиги муносабати билан институтининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак муносабати билан тақдирландилар.
- Академик Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида мазкур илм даргоҳи ташкил этилганлигининг 100 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.
- Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиати муҳофаза қилиш масалалари ҳақида Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмиталарининг йиғилиши бўлиб ўтди.
- Тошкент вилояти педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳақида Тошкент вилояти педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишнинг долзарб вазифалари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қилинган ишлар тахлил этилди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.
- Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Солиқ сиёсати ва солиқ базасини кенгайтириш йўналишидаги муаммоларни ҳал этиш вазифалари» мавзусида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.
- Тошкентда «Марказий Осиё мамлакатлари 11 сентябрь воқеаларидан сўнг» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. У Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ва Швейцариянинг оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган CIMERA ташкилотининг қўша лойиҳаси доирасида ташкил этилди.
- Термизда сўнги вақтда қабул қилинган, кичик ва ўрта бизнес ривожланишини жадаллаштириш, минтақаларга хорижий инвестициянинг жалб этишга қаратилган ҳуқуқ қарорларининг Сурхондарё вилоятида бажарилиши тахлилига бағишланган кенгаш ўтказилди.
- Ўзбек Миллий академик драма театри биносида «Эконтаси» халқаро жамғармаси ва республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган «Еш она» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Миллий университетиде «Гийёҳандлик — асп вабоси» мавзуида талабалар, шунингдек профессор-ўқитувчилар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.
- Тошкент қурилиш-коммунал коллежиде Навоий ижодига бағишланган республика илмий-амалий, адабий муносиқий анжуман ўтказилди.
- Оқангрон шаҳридаги аҳолиға маийшй хизмат кўрсатиш коллежиде ўтказилган анжуман халқаро талабалар кунига бағишланди.
- Фарғона шаҳрида Ўзбек бокс мактаби асосчиси Сидней Жексон хотирасига бағишланган 33-халқаро турнир бўлиб ўтмоқда. Унинг дастлабки босқичида Козогистон, Тожикистон ҳақида мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 140 га яқин бокс устаси ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

## Жаҳонда

- Токиодаги «СIP» фотосалонида Ўзбекистон: она — ўз фарзандларининг нигоҳи билан» мавзуига бағишланган фотокўргазма бўлиб ўтди.
- Санкт-Петербургда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари парламентларо ассамблеясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Кеча Фаластин мухторияти раҳбари Е.Арофат Қоҳирада Миср Президенти Х.Муборак билан учрашди. Суҳбат мавзуи Фаластин ҳудудидаги вазият муҳокамасига бағишланди.
- Кеча Гондурасда умумхалқ сайловлари бўлиб ўтди.
- Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро Покистонда бўлиб мамлакат ташқи ишлар вазири билан Афғонистондаги бўлажақ ҳўкумат борасида музокаралар ўтказди.
- Озарбайжон Президенти Хайдар Алиев ўзи бошқараётган «Янги Озарбайжон» партияси томонидан 2003 йилда ўтадиган сайловда мамлакат Президентлигига номзодини қўйиш тақрифини олди.
- 2002 йилнинг ёзида Канаданинг Калгари шаҳрида «Катта саккизлик» саммити ўтказилди.
- Филиппинда ҳўкумат қўшинлари исёнчи гуруҳларнинг олти истеҳсончини ишғол қилди. Хабарларга кўра сўнги тўрт кун ичиде Моро миллий озоодлик фронтининг 150 га яқин жангариси ўлдирилган.
- Кеча Америка самолётлари Талибоннинг асирға тушган қучлари эгаллаб олишга ҳаракат қилган Мозори Шариф қалъаси бўйлаб бомба зарбаларини ёғдирилди.
- Афғонистон Шимолий қучлари томонидан яна бир муҳим стратегик манзил қўлга олинди. EFE агентлиги тарқатган хабарларға қараганда, Америка ҳарбий ҳаво қучларининг қўмағида альянс оғир жанглардан сўнг Қўдусдан 20 километр олисдаги жойлашган Хонобод шаҳрини ишғол қилган.
- Қондахорда толиблар ўртасида бўлиб ўтган кенгаш натижасида толиблар етакчиси мулла Умар истеъфода чиққан. Хозирда эса унинг ўрнига ўз яқинларидан бўлган Саид Ҳаққоний ворислик қилмоқда.
- Кеча Япониянинг учта ҳарбий-денгиз кемаси ўз базаларидан Хинд океани томон йўл олдилар. Япония ҳўкуматининг кўрсатмасига асосан улар антитеррор коалицияси мамлакатлари ҳарбий денгиз гуруҳи билан бирлашадилар.
- Кеча Швейцария авиакомпаниясига қарашли «Кросс-сээр» самолёти фалокати туғайли 24 киши ҳалок бўлди.

## «Пахтакор»нинг ажойиб ғалабаси

#### Мамлакат X миллий чемпионатининг сўнги 36-турига ҳақ соғирини иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган жамоалар номаълум эди.

Ўтган кунни ўтказилган сўнги тур учрашувлари эса бу масалага ойдинлик киритгандек бўлди. Иккинчи ўрин учун курашаётган «Пахтакор» жамоаси Қаршида «Насаф»ға қарши майдонга тушиб ва 2:1 ҳисобидега ажойиб ғалабани қўлга киритди. Энди пахтакорчилар 28 ноябрда ўз майдонларида «Семир» билан ўзаро кўч синашишда ва бу ўйинда ҳам ғалабига эришишда чемпионатнинг қумуш медалларига сазовор бўлишади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сурхон» — «Металлург» 1:1; «Бухоро» — «Кимёгар» 1:1; «Кизилқум» — «Дўстлик» 1:2; «Нефтчи» — «Турон» 3:0; «Андижон» — «Зарафшон» 4:0; «Самарқанд-Динамо» — «Академия» 1:3; «Сўғдиёна» — «Трактор» 2:0; «Навбахор» — «Семир» 6:1.

Азиз ЁДГОРОВ

**Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дастлабки саҳифаларида қуйидаги жумлалар битилган: «Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конституция қабул қилинган кун — 8 декабрь умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кун деб эълон қилинсин». Ушбу сатрлардан кўриниб турибдики, умумхалқ байраминизга санокли кунлар қолмоқда. Шу муносабат ҳамда Президентимизнинг «Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши амалда қандай бажарилаётгани билан яқиндан танишиш мақсадида аҳолининг турли қатламларига мансуб фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.**

● **Йўлдошхон РАШИДОВ, профессор:** — Албатта, ҳар бир байрам ўзига хос тайёргарликни эҳтилади. Шу нуқтаи назардан айтилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига тайёргарлик ишлари жойларда янада жонлантириб юборилди.

Албатта сизни Президентимизнинг «Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинганга бир йил тўлаётган айни дамларда биз Бош Қомусимизни ўқиб-ўрганишда қандай натижаларга эришдик, деган савол қизиқтириши табиий.

Бу борада ҳар боранда албатта ижобий натижалар кўзга ташланган. Конституциямиз нафақат олий ўқув юртиларида, балки мактабгача бўлган муассасалар ва мактабларда малакали устозлар томонидан ўқув дарслиги сифатида ўргатилишининг ўзи ҳам юқоридаги фикримизнинг исботи. Қолаверса Бош Қомусимиз маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, хатто оилаларда мустақил ўрганилаётганлиги ҳам эътирофга лойиқ.

Шахсан мен Конституциямизни жамиятимизда ҳукм сураётган барча қонуларнинг қалити деб тушунаман. Ҳар бир ишда, кундалик ҳаётимизда унга амал қилиш, бу ҳужжатни ёддан билиш, фуқароларнинг миллатидан қатъи назар асосий бурчи. Зеро, Ўзбекистон ҳуқуқий демократик жамият қураётган давлат экан, энг аввало биз ўз ҳуқуқларимизни билиб, англаб, ўрганиб олишимиз ва ҳаётимизда унга амал қилишимиз лозим. Бунинг учун биринчи навбатда қонулар қалити бўлган Бош Қомусимизга мурожаат этилади. Қанчалик, биз уни пухта билганимиздагина ҳақни ноҳақдан, адолатни адолатсизликдан ажрата оламиз. Ҳуқуқимиз баъзи қисмлар томонидан ноҳақ поймол этилишига, оёқ ости қилинишига йўл қўймаймиз. Ҳақиқат ва унинг тантанаси учун астойдил

«Конституция бизга нима берди?» мавзуларида тadbирлар ўтказдик.

Айниқса бундай тadbирларга Президентимиз Фармони билан гуноҳи авф этилиб, жазони ўташ муассасаларидан муддатидан илгари озод этилган, ҳозирда маҳалламизда истиқомат қилаётган ёшларни кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилияпти. Улар билан юзма-юз ўтаётган бундай мулоқотлар ўз самарасини бермоқда.

Аслида ҳам тарбия дегани қонулар алифбоси — Конституцияни ўрганишдан бошланади. Шу назардан келиб чиқиб маънавият хонамиз Асосий Қонуниимизни ўрганишда доир қўлланмалар билан етарли таъминланмоқда. Бу ерда ҳар бир фуқаро ўзига керакли бўлган ҳуқуқий асосларни олабалиш учун шароит яратяпти. Энг муҳими бугунги кунда Конституцияни ўрганмасдан интисодий, ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларни тўла англаб етиб бўлмаслигини маҳалламиз ақли дилдан хис қилмоқда.

● **Исоқжон КАРИМОВ, ўқитувчи:**

— Бизнинг касбдаги кишилар биринчи навбатда ўзлари Бош Қомусимизни «сув қилиб ичиб юборган» бўлишлари керак. Ана шундан кейингина у ўз ўқувчиси онига Конституция моҳиятини бутун борлиги билан еткази олади. Шу имкониятдан фойдаланиб шу ҳақдаги баъзи фикр-мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчиман.

Ёшлиқда олган билим, ҳунари тошга ўйланган нақшга ўхшатилиши бежиз эмас. Чунки у бола онгига сингиб, муҳралиб қолади. Шундан экан, ҳаётимиз Асосий Қонунини ўрганиш унинг аҳамияти ва мазмуни-моҳиятини ёш авлодга ўргатиш ишлари боғичдан оилаларда бошлаш мақсада мувофиқ. Лекин бунинг учун махсус қўлланмалар зарур. Давр талабидан келиб чиқиб зудлик билан «Конституция сабоқлари» дастури қўлланмаси яратилдики, ҳозирда мактабгача таълим му-

**КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА  
ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА**

**Бахтимиз  
қомуси**

қурашадиган бўламиз. Мана шу жиҳатдан қараганда Президентимизнинг Бош Қомусимизни ўрганиш тўғрисидаги Фармойиши ҳар тарафлама аҳолининг кенг қатламлари ҳуқуқий билиминини ошириш ва уларнинг ўзини ўзи ҳимоя қила олишини назарда тутиб қилинган гаммуриликнинг ёрқин намунасидир.

● **Файзулла АХМЕДОВ, санъаткор:** — Узоқ манзилга отланган йўловчи маълум довозни босиб ўтгандан кейин албатта ортга бир қараб босиб ўтган йўлни чама-лаб кўради. Улук айём—байрамлар арафасида ҳам мўлжалдаги ишлар қай тарзда бажарилаётганини кўнгил торозусига солиб сарҳисоб қилишдек яхши одатимиз бор. Агар бу гапларни Конституцияни ўрганиш масаласига тadbик эътибордан бўлса очиги бу борадаги саваб-ҳаракатларимизни янада жонлантириш керак эди. Юртбошимизнинг қўрсатмаларидан кейин эса Бош Қомусимизни ўрганишга бўлган талаб ва иштиёқ анча орди. Лекин барибир уни пухта биламиз ёки билиб олдик дейишимизга ҳали эрта.

Бир мисол. Бош Қомусимизнинг VII боби, 30-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим», дейилади. Ҳеч бўлмаса мана шу оддий ҳақиқатга аҳмиша ҳам рия қилишимизми? Агар лозим бўлган тақдирда ўша масъул шахс ва идоралардан қонуний равишда ўзимиз учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қила оламизми? Жуда зарурят туғилиб қолганда шундай қилишимиз мумкин. Лекин ўшанда ҳам минг андиша билан иш тутамиз.

Яна бир гап. Бу ҳам яна бир мулоҳаза-да. Менимча жойларда Конституцияни ўрганишга бағишланган кечалар, семинарлар ва урчулардан ташқари тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам янада кучайтириш керакдек кўринади. Хусусан йўл ёқаларига ўрнатилган турли мавзулардаги паннолар, диаграммалар кўзи қамаштиради. Шу йўлдан ўтайдиган минг-миглаб кишилар ниғондан унга қарабди. Ҳатто улар орасида кишининг гашини келтирадиган чекишни тарғиб қилувчилари қанча.

Албатта Бош Қомусимизни тарғиб қилиш масаласи биз санъаткорлар зиммасига ҳам қай даражада масъуллик юклайди. Қани энди замондошларимизнинг бугунги кун, қайноқ ҳаёти, ижтимоий-сиёсий қарашларини ёрқин бўёқларда ифодаловчи асарлар кўпроқ бўлса-ю, биз улардаги асосий мағзини бадиий кўринишларда сахна орқали томошабинлар онгига сингдирга олсак нур устига нур бўларди. Бу биз санъат аҳлини ўзоқ вақтдан бери ўйлантириб келаётган дили ва тилида турган гап.

● **Собир КОМИЛОВ, маҳалла оқсоқоли:** — Бош Қомусимизда инсон деган номининг улғурлигини ярақлаб, нур сочиб турибди. Унинг ҳар жумласида инсон шайни, кадр-қиммати, мавқеи ўзи ифодасини топган. Мамакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон бундан «чукр» анламоғи ва ўзига берилган ҳуқуқий имкониятдан фойдалана билимоғи керак. Ўзбекистон Конституциясини ўқиб-ўрганишининг асли моҳияти ҳам ана шунда.

Албатта бу сиёсий, ҳам маънавий баркамолликдан маҳалла ақли четда қолмаслиги керак. Айниқса ўз-ўзини бошқариш органларига бўлган эътибор ортиб бораётган айни дамларда маҳалла аъзоларининг ўз ҳуқуқий имкониятларини тўла англаб етишлари ҳар жиҳатдан фойдалидир. Шунинг назарда тутиб маҳалламизда тез-тез йиғилишлар, ҳуқуқшунослар билан урчуларлар ўтказилиб турилибди. Уларда давлат органларининг айрим ҳуқуқ ва вазифаларини босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга ўтказиш конституциявий ҳуқуқ ва бурч эканлиги, аҳолининг кенг қатламларига тушутирилмоқда. Шу кунга қадар маҳалламизда «Конституция меннинг тақдиримда», «Конституцияни қим қилиш билади?», «Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари»,

ассасаларида ундан асосий дастур сифатида фойдаланиб келинмоқда. Албатта бундай мавзудаги адабиётлар кўпроқ бўлса тарбиячининг иши осонлашади. Менимча, кичкинтойларга уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб кўпроқ ҳуқуқий қондаларни ўргатишда турли усуллардан фойдаланган маъқул кўринади. Бунда асосий мавзуну болаларга туршарли бўлган миллий урф-одатларимиз асосида танлаш керак.

Энди мактаб масаласига келсак. Ўқувчи мактабга ўз устозидан бирор нарса ўрганиш иштиёқига боради. Бунинг учун ўқитувчи ўз қабилнинг устаси бўлиш билан бирга ўқув қўлланмалари билан ҳам етарли таъминланган бўлиши керак. Айниқса бу методик қўрсатмалар янги фанларни ўзлаштириш ва ўқитишда ўқитувчига ҳар томонлама ас қотади. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, биз ўқитувчилар дастлабки вақтларда ўқувчиларга Конституция илминини ўргатишда анча қийинчиликларга дуч келдик. Ҳа ҳақларда юқори синфларга ҳуқуқий таълимни ўргатишда иложи борича Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган асосий қондалардан ёки бўлмаса шу йўналишдаги китоблар, газет ва журналлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик. Лекин бошланғич синфларга келганда бу масалада оёқаб қолдик. Ҳа ҳақларда ёшлар учун ўзига хос тушунарли тил билан ёзилган методик қўлланма яратилиш зарурияти туғилиб қолди. Ва ниҳоят 1-4-синфлар учун чиқарилган «Конституция алифбоси» китоби ишимизни анча енгиллаштирди.

Албатта ҳар бир ишининг бошланғичи оғир кечади. Мана энди барча қийинчиликлар орда қалди. Турли ёшдаги ўқувчилар ва кенг жамоатчилик учун маъқул ва манзур бўладиган ҳуқуқий билимдан сабоқ беришни китоблар яратилмоқдаки, бу изланишларни фақат табриқламоқ керак.

Биз мураббийларнинг нијатимиз ҳолис. Ёшларга ҳуқуқий давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ англаш, қонун асосларини ўргатиш, ёш авлод руҳига қонуларимизни ўрнатиб қилиш туйғуларини сингдириб ва ниҳоят уларни ҳуқуқ-бурчларини тўла англаб етишига ёрдам бериш биринчи навбатда биз мураббийларнинг бурчимиз эканлигини чуқур англаб етмаймиз.

● **Қодир ОБИДОВ, оила бошлиғи:**

Мақтабда иккинчи синфда ўқийдиган ўғлим сўраб қолди:

— Дада, бизда қанча байрамлар бор?  
— Уйлаиб бирма-бир санай кетдим.  
— Биттасини унутдингиз, — деди ўғлимча қулиб.

— Қайси байрамни унутибман. Қани, билсанг ўзинг айти қол.

— 8 декабрь Конституция куну — умумхалқ байрами-ку.

Баян дафъатан берилган савол олдидан бироз гангиб қолсам. Тилинг учиде турсан нарса хаёлингга келмайди. Мен ҳам айни дамда шундай вазиятда эдим. Ундан қутулиш учун китоб жавонини титқилай кетдим. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси китобини топиб уни бирма-бир арақладим. Оқинг ундаги таниш сатрларга кўз ташларканман, хаёлимдан бир фикр ўтди. Конституциямиз қабул қилинган кундан бери ордан тўққиз йил муддат ўтди. Ахир унда инсоннинг инсондек яшashi, меҳнат қилиши, дам олиши барча-барчаси қафолатлаб қўйилган бўлса-ю, нега биз ўзимиз учун керак бўлган бу ҳужжатни шу чоққан пухта ўзлаштириб олмадик. Бу саволга жавоб тариқасида ўша кундан бошлаб бўш қолдим дегунча қўлимга ҳаётимизнинг Асосий Қонунини оладиган бўлидим. Ҳар сафар ундаги сатрларни синчиқлаб ўқирканман, ундан олам-олам маъно олам.

Шундай кунларнинг бирида аёлим қулиб:

— Бу китобни бир ўзингиз мўтолақа қилармай овоз чиқариб ўқинг, биз ҳам эшитиб, ўрганайлик, — деб қолди.

Шундан бери Бош Қомусимизни оила даррасида ўқиб-ўрганишни йўлга қўйдим. Шу тариқа оиламизнинг барча аъзолари бахтимиз Қомусида битилган сўзларнинг мағзини чақадиган бўлиб қолишди.

# ВАДИК ВА МИЖОЗ

«Ўтадбиркорбанк»ни кўпинча тadbиркорларнинг яқин ёрдамчиси сифатида тавсифлайдилар. Ва бу бежиз эмас. Зеро, банк томонидан берилган кредитлар ҳисобига янги кичик корхоналар ташкил этилмоқда, турли-туман қайта ишловчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Яқинда банкнинг яна бир қўтилмаган мижози — «Дўмбоқча» хусусий боғчаси пайдо бўлди. Жамоатчи муҳбиримиз Инна Ким «Ўтадбиркорбанк» раисининг ўринбосари К. Воронков билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— **Ўтган йили «Ўтадбиркорбанк»нинг виллат бўлими ўз маблағлари ҳисобига Республикамиздаги дастлабки «Дўмбоқча» хусусий боғчаси ташкил этиш учун 5 миллион сўмлик маблағ ажратди. Ушбу боғча ва банк томонидан**

қиламиз. Молиявий кўрсаткичларнинг таҳлили гарчи баъзан молларнинг мавсумийлиги ва бошқа режалаштирилмаган омиларга боғлиқ ҳолда маълум ўзгаришлар юзга келганини кўрсатса-да, биз кредит берган корхоналарнинг аниқ фаолияти тўғрисида гувоҳлик беради. Бизнинг мижозларимиз — кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳар қандай вақтда бозор талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўз ишларини янгидан ташкил этишлари мумкин. Уларга бу борада кўмаклашиш мақсадида эса яқинда биз «Мижоз-банк» йўналишини очдик ва унга мувофиқ барча банк операцияларини компьютер орқали ўтказишга имкон туғилди. Бу ҳам бизнинг, ҳам тadbиркорларнинг ишини сезиларли даражада енгиллаштирди. Бундан ташқари, биз доимий мижозларимиз бўлган йирик корхоналар ўз фаолиятини амалга ошира-

## Кичик банклар юзага келмоқда

молиялаштирилган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг фаолияти қанчалик самарали бўлмоқда?

— «Дўмбоқча» болалар боғчасига кредитни уч йилга бердик, бироқ ҳозирнинг ўзида у харажатларини қоплайди, деб дадил айти олишимиз мумкин. Зеро, Оналар ва болалар йилида аёллар ва айниқса болаларнинг ижтимоий ва тиббий жиҳатдан ҳимоялишини йўлида кўп ишлар амалга оширилди. Шу сабабдан «Дўмбоқча» болалар боғчасининг раҳбари Д. Нусратова бизга ўз бизнес-режаси билан мурожаат қилганида уни қўллаб-қувватлашга қарор қилдик. Ушбу лойиҳани молиялаштирган ҳолда банк раҳбарга болаларни тарбиялаш тизимини яхшилаш, ҳар бир ҳажжига яқка тартибда ёндошиш борасида кўмаклашди. Ҳозирда боғчада 6 та гуруҳ очилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўн тандан ортик бўлмаган болалар тарбияланмоқда. Бундан ташқари «Дўмбоқча» қошида «Оналар мактаби» маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда ва бу ерда тажрибали мутоҳассислар бола билан ҳали у туғилмасиданоқ «шуғулланмоқдалар».

— **Кейинги пайтларда яна қайси тadbиркорларга кредитлар ажратилди?**

— Умуман, асосан экспортга мўлжалланган махсус кредит чикаришга йўналтирилган корхоналар билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш банкимизнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Чунки, сабзавотларни консервация билан шуғулланувчи «Сарвар» хусусий фирмаси биздан 8,5 миллион сўмлик кредит олди. Ҳозирги пайтда фирма ўз маҳсулотини халқаро бозорга чикаришга тайёр ва дастлабки 50 минг банка «Анчикчучуксалати Россияга жўнатилади».

5 мингга яқин корхоналар мижозларимиз қўлига қиради. Йилнинг ҳар чорағида биз уларнинг махсуслот айланмалари, даромадларини ҳисоблаб борамиз, қўшимча иш ўринлари ташкил этилган ёки йилгича, махсуслотларига қандай талаб мавжудлигини назорат



ётган туманларда кичик банкларимизни очишни режалаштиряптимиз.

— **Қандай масалалар кўпинча банк ва тadbиркорлар ўртасида муносабатларни мураккаблаштирмоқда?**

— Гарчи биз бу борада махсус маслаҳатлар ва семинарларни ташкил этаётган, ҳар бир туман бўлимида шу масалага масъул шахс бўлса-да, асосий муммо бу — кредит олиш шартларини билмасликдир. Ўтган йилнинг март ойидан бошлаб кредит олиш учун зарур ҳужжатларнинг сони сезиларли даражада камайди. Ҳозирги кунда ариза, кредит талабномаси, бизнес-режа ва кредитни таъминлашнинг шакллари билан биринчи топшириш кифоядир. Бунда асосий эътибор бизнес-режани тайёрлашга қаратилади. Унда тadbиркор дастлабки пул қўйилмаларининг тахминий минимуми, уларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддатини ҳисоб-китоб қилиши, маркетинг тadbиркорларнинг натижалари, молиявий кўрсаткичларнинг истиқболларини кўрсатиши керак. Тadbиркорнинг бизнесни кенгайтиришга фойданинг қандай қисмини йўналтиришни режалаштираётгани ҳам муҳим ўрин тутади. Агарда ҳамма шартларга рия қилинадиган бўлса, банкда кредит маблағларини ажратмаслик учун ҳеч қандай асос бўлмайди.

## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ Минтақавий дастурлар бўйича

Марказий Осие минтақасига молиявий кўмакни амалга оширган ҳолда Осие тараққиёт банки (ОТБ) иккинчи барқарорлик ва фаровонликка асос солувчи минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга имкон туғдиришга.

Яқинда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда бир ҳафталик ташир билан бўлган ОТБ нинг дастурлар (Шарк) бўйича Департаменти директори жаноб Геерт ван дер Линденнинг сузларига кўра минтақавий ҳамкорлик ҳозирги мураккаб даврда алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Осие тараққиёт банки ҳукуматлар билан транспорт ва транзитни ривожлантириш, бошқона кизмати соҳасида янгилаш иш ва ҳамкорлик, энергиядан ва сув манбаъларидан оқилона фойдаланиш борасида аниқ минтақавий масалалар устида ишламоқда. ОТБнинг дастури 400 миллион АҚШ долларига ҳажмидаги заёмлар ва 5 миллион АҚШ долларидан ортик маблағ орқали техник жиҳатдан кўмаклашишни кўзда тутди.


Кўриб чиқилганда минтақавий лойиҳалар ягона энергия тизимини ташкил этиш, турли йил автомобиль йўллари ва темир йўллари лойиҳалари, сув манбаъларидан фойдаланиш масалалари бўйича ҳамкорликни ўз ичига олади. Ушбу лойиҳалар ўтган йили маъқулланган Алматӣ-Бишкек автомагистраль йўли лойиҳасидан сўнг бошқача-бошқача ҳаётга тadbик этиб борилади.

Ўзбекистон Марказий банки томонидан Республика молия вазирлиги билан ҳамкорликда яқка тартибдаги тadbиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини тижорат банкларидан кредит йўналишлари ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобига кредитлаштириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ушбу ҳужжат бюджетдан ташқари фондлар томонидан тижорат банкларида кредит йўналишларининг очиқлиги тартиби, яқка тартибдаги тadbиркорлар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар томонидан топширилган лойиҳаларни кредитлаштириш тартиби, шунингдек тижорат банклари томонидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитларни бериш тартибини мувофиқлаштирди.

Низомдан кредитлаштиришнинг қуйидаги асосий йўллари ўрин олган: **Микрокредит** — кредитнинг шаклларида бири бўлиб, унинг миқдори миллий валютада қуйидаги суммадан ошмаслиги лозим: ўз фаолиятини юридик шахс макромини олмастан туриб амалга оширадиган яқка тартибдаги тadbиркорлар ва деҳқон ҳўжаликлари учун 5 минг АҚШ долларига тенг суммада; юридик шахс сифатида фаолият юритувчи деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, микрофирмалар, кичик корхоналар учун эса — 10 минг АҚШ долларига тенг суммадаги миқдордан ошмайди.

**Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар** — микрокредитнинг шаклларида бири. Унинг миқдори кичик фирмалар ва деҳқон ҳўжаликлари (юридик шахс мақоми билан) учун 150 та энг кам маошга ҳамда кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликлари учун 300 та энг кам маошга ҳамда суммани ташкил этади. Улар фақат кредит олиш учун тегишли талабномаларни давлат рўйхатидан ўтказганларидан сўнг 6 ойдан кечикмаган ҳолда топширган янгидан ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар, деҳқон (юридик шахс мақомига эга) ва фермер ҳўжа-



Шаҳримиздаги банклар фаолиятидаги янгиликларни бериб бориш юзасидан шаклланган аънама-мизга кўра кейинги пайтларда қандай янги кизмат турлари жорий этилганлиги тўғрисидаги савол билан Халқ банки Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Комил Мадраҳимовга мурожаат қилдик.

## ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН Омонатчилар хизматида

— Кейинги пайтларда халқ банки тизимида мижозларнинг манфаатлари ва уларнинг тақриф-истакларини ҳисобга олган ҳолда омонат ва кредитларнинг янги илғор турлари жорий этилди. Мисол тариқасида янги «Нуроний» омонат турини келтиришимиз мумкин. У шу йилнинг 1 ноябидан жорий этилди ва ўз пенсиясини Халқ банки муассасалари орқали олувчи пенсионерлар учун жуда қулайдир. Янги омонат турининг шартлари оддий: дастлабки бадал 5 минг сўмдан кам бўлмаслиги керак ва пенсионер томонидан пенсия гувоҳномаси кўрсатилгани ҳолда қўйилади. Бу омонатга 24 фоиз йиллик тўлов тўланади ва бир йил муддатга очилади. Агарда кўрсатилган муддат тугаган пайтда қўйилган омонат мижоз томонидан ҳисобдан олинмаган бўлса, банк унинг амал қилиш муддатини яна бир йилга узайтириши мумкин, бунда омонатчининг овозра бўлишига ҳожат қолмайди, ҳамма ҳаракатларни банкнинг ўзи бажаради.

«Нуроний» омонати очилгандан икки ой ўтиши билан омонатчи ҳар ойлик фойзаларни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари халқ банки муассасаларида мебель (меҳмонхона, ётоқ, бола-лар, ошхона), телевизор, видеомагнитофон, совутич, чангютич, компьютер каби 25 хил молларни олиш нијатида бўлган барча хоҳловчилар учун «Комфорт» истеъмолчилар кредити ҳам жорий қилинди. Кредитнинг ушбу тури берилган муддатига қараб, уч тоифага бўлинади. Биринчиси — агарда мижоз кредитни бир йилга олади-ган бўлса, йиллик фойз ставкаси 25 фоизни ташкил этади. Иккинчиси — агарда кредитдан фойдаланиш муддати икки йилгача чўзилса, тўлиниши лозим бўлган миқдорлар ҳам уч фоизга ошади. Учинчиси — агарда кредит уч йилга олинса, фойз ставкаси 32 фоизни ташкил этади. «Комфорт» истеъмолчилар кредитининг энг юқори миқдори — 300 та энг кам маош ҳажмида бўлиб, бу кўрсаткич ҳозирги кунда 1 миллион сўмдан ортиқни ташкил этади.

Қўшимча маълумотларни халқ банкининг хоҳлаган бўлимидан олишингиз мумкин.

Тижорат банки кредит қўмитасининг қарори яқини ва бюджетдан шакллантириш учун бюджетдан ташқари фондларнинг кредитлари уч йилгача муддатга берилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари фондларнинг кредит йўналишлари ҳисобига кредит олишлари учун ўзларига хизмат кўрсатувчи банка мурожаат қилишлари керак бўлади. Низомда кредит талабномаларини кўриб чиқишининг охириги муддатлари аниқ белгилаб қўйилган.

Тижорат банки кредит қўмитасининг қарори яқини ва бюджетдан

шакллантириш учун бюджетдан ташқари фондларнинг кредитлари уч йилгача муддатга берилди.

Кредитни бериш мижознинг «Талаб қилиб олгунича» депозит ҳисобининг жойлашган ери бўйича амалга оширилади. Кредитлар нақд пулсиз, алоҳида қара ҳисобини очиб ва заёмчиларини ушбу ҳисобдан мол-моддий қийматлар учун тўлов топшириқларини тўлашлари йўли билан берилди. Микрокредит умумий миқдорининг 50 фоизини нақд пул билан юридик шахс макромини ишлаб чиқариши; савдо-воситачилик корхоналарининг айланма маблағларини шакллантириш; савдо объектлари қурилишини молиялаштириш; ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган шахсий мол-мулкни харид қилиш; маъмурий харажатларни тўлаш; офис мебели, уяли телефонлар, пейджерларни харид қилиш, алоқа хизматларига ҳақ тўлаш учун берилмади.

Бизнес-фонднинг кредит йўналишлари ҳисобига кредитлар 10 йилгача — лойиҳанинг харажатини қоплаш муддатидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан 5 йилгача имтиёзли муддатга берилди. Микрокредитлар, шу жумладан дастлабки (бошланғич) сармояни



Тўғри чиққан тахмин

Усмон магазинчи бир гал катта акам Абдулҳай Маҳсум билан мени Қирғизистоннинг улкан тоғлар ичда жойлашган Қорақўй деган жойга саёхатга олиб борди. Бу ерда чекободлик Бакр деган танишимиз асарларини олиб бориб жойлаштирган экан. Баҳор эди. Баланд тоғлар ва қиру адирлар кўм-кўк арчалар ва майсалар билан қопланган эди. Бакр ака дарҳол бир қўйни сўйиб, шўрва тайёрлашга тушди. Атрофни томоша қилган ҳолда чой ичишга киришдик.

Шу пайт Усмон магазинчи:

— Маҳмудхон, сизга бир воқеани айтиб берайми? — деб қолди.

— Қани, айтинг-чи, — дедим қизиқиб.

Усмон магазинчи ҳикоясини бошлади:

— Бундан бир неча йил аввал Жалолободнинг Иссиққўлидаги дам олиш уйига бордим. Дам олиш уйида хизмат қиладиган бир аёл билан танишиб қолдим. Уйига ҳам таклиф этди. Ош қилиб берди. Аёл менга жуда ёқиб қолди.

Муҳаббат қалбимнинг шамсу қамари,

Муҳаббат инсонлик боғин самари.

Муҳаббат оламни ёритувчи нур,

Муҳаббат чин инсон олтин камари.

Кўрмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Тонг отишини сабрсизлик билан кутардим. Кўзим аёлнинг йўлига тўрт бўлиб тикилардим.

Қайларда юрбсан бошимнинг тожи,

Сенсан шодлигимнинг асл ривожини.

Қай кунки лутфиндан маҳрум бўлибман,

Ишининг тўхтаб қолди божу ривожини.

Охири аёлга муҳаббат изҳор қилдим. У ҳам мени ёқтириб қолган экан. Домлани қақириб, никоҳ ўқитдик. Дам олишим тугаб, минг дарду фироқ билан Чекободга йўл олдим. Аммо хаёлим Иссиққўлда эди. Кечки пайт магазинни ёпиб, машинага ўтириб, Иссиққўлга қатнамадан бўлдим. Чекобод билан Иссиққўл ораси камида юз эллик километрдан ортқ эди. Кечаси етиб бориб, тонг саҳарда изимга қайтар эдим.

Бўлмас йўлнинг яқин-йироғи,

Ўртамайди дилни фироғи.

Модомики қалбнинг ичиди,

Ёниб турса ишқнинг чироғи.

Ҳаммаси ҳам майли-я, уйимда жанжал кўтарилгани ёмон бўлди. Хотиним ва ўғилларим норизо эдилар. Аёлга бўлган муҳаббатим олдида хотини фарзандларимнинг жанжаллари кўзимга кўринмас эди. Дўсту ёрларнинг маломати қулоғимга кирмас, панду насихатлар асло қор қилмас эди.

Ишқ келса қўрқокни полвон қилади,

Полвонни йилгатиб гирён қилади.

Шоҳларни гадою девона қилиб,

Гадони соҳиби даврон қилади.

Бир йилгача ҳар кун Иссиққўлга қатнадим. Машинам эмас, ўзимнинг ҳам пачоғим чиқиб кетди. Бир кун аёлга дедим:

— Ростини айтинг, нега мен сизни шунчалик яхши кўриб қолганман? Қатнайвериб, ийғим чиқиб кетди, ҳолдан тойдим, бу ёқда хотинимнинг жанжали. Сизни илми амал қилган, дейишди. Илми амал қилганингиз ростми?

Одамлар хор бўлар илми амалдан,

Тирноққа зор бўлар илми амалдан.

Дўстларинг душманга айланиб буткул,

Кенг олам тор бўлар илми амалдан.

Аёл бўлиб ўйланиб турди. Сўнг:

— Эртага келинг, бунинг сирини биласиз, — деди.

Эртасига кечаси етиб келдим. Уйга кирсам, бир домла ўтирибди. Кўришдим. Домла деди:

— Мен сизга илми амал қилиб, бу аёлга иситиб қўйган эдим. Аёл аҳолинингизни айтиб берди. Энди эса советиб қўймоқчиман. Мана сув билан бир чақмоқ оқантга дам урилган. Қантни озгингизга солиб, сувни ичиб юборсангиз илми амал ботил бўлади.

Домла шундай деб, қанд билан пиёлани узатди. Қанди озгинга солиб эритдим ва пиёладаги сув билан ичиб юбордим. Сув томоғимдан ўтиши билан кўзим шарт очилди. Аёлга бўлган муҳаббатим бирдангина сўнганини ҳис қилдим. Шунчалар йўл азобини тортганим ва уйимдаги жанжалларни ўйлаб, ўзимни қойишга тушдим. Ўрнимдан туриб, хайрлашдим. Машинага ўтириб, кечаси жўнаб кетдим.


Усмон магазинчи шундай деб ҳикоясини тугатди.

Мен бу воқеа ҳақида узоқ ўйлаб юрдим. Илми амал билан одамни шу қўйга солиб юборадиган кучли дуохон борлигига ишонгим келмас эди. Бу ўша аёлнинг тадбири бўлиб, аёл Усмон магазинчининг қийналиб кетганини кўриб, инсофга келган ва шундай таъсир чорасини ўйлаб топанган эди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Усмон магазинчининг қадрдон дўсти Фатхуллага Маҳсумни учратиб қолдим. Сўнгра орасида Усмон магазинчининг ҳикоясини ва домланинг совутовчи чорасини айтиб бердим.

— Э, Бекор гап, — деди Фатхуллага Маҳсум, — Усмон ўша домла билан бўлган воқеадан кейин ҳам кўп ўтмай яна ўша аёлнинг олдида қатнашни давом эттираверди. Шундан сўнг ўзим қилган тахмин тўғри эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим...

Маҳмуд ҲАСАНИЙ



МУЛОҲАЗА

Мароқли томоша

Яқинда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган Тошкент давлат рус мусиқали ва комедия (оперетта) театрида истеъдодли режиссёр Михаил Хачатуров томонидан сахналаштирилган «Араб тангоси» номли 2 қисмдан иборат мусиқали спектаклни томоша қилдим. Орадан бир ҳафтага яқин вақт ўтса ҳамки, ўз таассуротларимни унутолмайман. Сабаби, биринчидан, асар ўзига хос бадиий топиқлари билан томошабинни мафтун қилса, иккинчидан, ўзбек эстрадасининг сўнмас юлдузи, марҳум санъаткор Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодининг илк маротаба сахнада бадиий тарзда талқин этилиши билан эътиборини тортади.

Ботир Зокиров сиймосини сахнага олиб чиққан ёш хонанда Акмал Саидов нафақат актёр, балки хонанда сифатида ҳам томоша залда ўтирган мухлислар қалбини ларзага солди. Ўша ларзаларда назаримда сахнада хонанданинг руҳи кезиб юргандек бўлди. Томошабинлар айримлари кўзида ёш билан, айримлари эса пичирлаб айтаётган сўзлари билан ўз ҳолатларини яширолмади. Айна дамда театрнинг серхли олам эканлигига, кўшкнинг жозибали кудратига яна бир қарра амин бўлдим. Акмал Саидов Ботир Зокировнинг «Раъно», «Араб тангоси», «Анҳор» кўшиқларини ижро этаётганида Оллох инъом этган овоздаги ўхшашликдан хайратда эдим.

Охтимол, кўшкни мўъжиза деб бўлмас, чунки ҳамма ҳам эллаб-селлаб кўшиқ қўйлай олади. Аммо ўз овозини топган кўшиқ ҳақиқий мўъжиза эканлигини бош роль ижрочиси Акмал Саидов ўзининг тиник ва жозибали овози билан исботлаб берди. Қулоқларим остида марҳум санъаткор Ботир Зокировнинг кўшиқлари қайта жонлангандек бўлди.

Сайёра ШОДИЕВА  
СУРАТДА: бош роль ижрочиси Акмал Саидов.

МУРУВВАТ

«Муסיқани ҳис қиламан...»

этишлари йўлида кўп гайрат ва сазой-ҳаракат қилмоқда. Бу ишда уларга мактабнинг қўллаб-дўстларига маддад бераётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак юқорида айтиб ўтганимиз каби бундай байрамлар ҳар бир кишининг қалбига узоқ вақт сақланиб қолиши турган гап. Қуни кеча 101-мактаб-интернатда ўтказилган байрам интернатнинг 80 йиллиги ва Халқаро ноғиронлар кунига бағишланди.

— Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан кейин мактабимиз дўстларининг сони яна ҳам ошиб кетди, — дейди Мэлс Султонова. — Элчионалар орқали болаларимиз Америка, Буюк Британия, Исроил, Туркия, Япония ва бошқа мамлакатлардан бегараз ёрдамлар оломоқдалар. Ватанимиздаги ва хориждаги қўллаб-ташқиловлар муаммоларимизнинг ҳал этилишига фойдалиқ кўрсатишмоқда. «Коском», «Эколот», Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, «Болаларга табассум» гуруҳининг вакиллари, хуллас бошқа кўпдан-кўп ташқиловлар шулар жумласидандир. Болаларимиз уларнинг шарофати билан компьютер саводхонлигини, инглиз тилини ўрганмоқдалар, қар-соқов болаларнинг халқаро слётларида, жумладан Голландия ва АҚШда бўлган

тадбирларда қатнашмоқдалар. Бу галги байрамга ҳам меҳмонлар совға-саломлар билан келишди. Республика божхона қўмитаси болаларга бир миллион сўм берди. АҚШнинг Ўзбекистондаги элчисининг рафиқаси Халқаро мактаб жамоаси билан биргаликда мактабга мусиқий марказ ва катта торт совға қилди. Буюк Британия элчихонаси болаларга учта компьютер, принтер ва сканер тўғрға қилди. Мактаб-интернат Би-Би-Си-дан ошхона учун мебеллар, Халқаро Қизил Хондан адабиётлар олди... Яна бошқа совғалар ҳақида, ҳиммати баланд кишилар ва ташқиловлар ҳақида истаганча гапириш мумкин.

...Мактаб-интернатда «Муסיқани ҳис қиламан» тўғрғари мавжуд. «Эштанаман» эмас, «Ҳис қиламан» бўлиши, «Эштанаман»нинг а. Кар-соқов болалар бу ерда машғулотларда қатнашар эканлар улар ҳаётининг барча жиҳатларини ҳис этиб туришди. Бунда эса уларга саховатли кишилар доимо ёрдам беришмоқда. Шундай одамлар доимо бор бўлсин.

(Ўз муҳбиримиз)  
СУРАТЛАРДА: мактаб-интернатда ўтказилган байрам тадбирларидан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

Яқинда Москва шаҳри ҳукуматининг Тошкентга икки кунлик таширифи бўлиб ўтди. Пойтахт шаҳарлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан ўтказилган учрашувлар, музокаралар қўшма корхона тузиш ҳақидаги протокол имзоланиши билан якунланди.

Маълумки, икки ой илгари ҳам Москва ҳукумати делегацияси Ўзбекистонга келгани ва Россия пойтахти мэри давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган. Ташириф доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Москва ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида битим тузилиб, унда белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича протокол ҳам имзоланган.

Тошкентга Россия пойтахти делегациясининг галдаги таширифи айнан шу ҳужжатлар асосида, яъни протоколда белгиланган лойиҳаларни амалга тадбиқ этиш, хусусан Москва шаҳри савдо тармоқларига юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиш ҳамда Россия пойтахтининг маъмурий округларидан бирида Ўзбекистон маҳсулотлари бозорини ташкил этиш каби айрим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлди.

Россиялик меҳмонлар ташириф чоғида Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов томонидан қабул қилинди ва ҳокимлик тузилмалари — Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, Инвестиция бош бошқармаси, «Ташбозортай-ёрловсавдо» уюшмаси раҳбарлари ҳамда Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси вакиллари билан музокаралар ўтказишди.

Айтиб ўтиш жоиз, икки пойтахт шаҳарлар ўртасида тузилган битим юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими фармоиши билан шаҳар мувофиқлаштирувчи кенгаши тузилган ва ҳар бир йўналишдаги ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳлар ҳам ташкил қилинган. Ўз навбатида Москва томонидан ҳам шундай гуруҳлар тузилган бўлиб, Тошкентга келган делегация савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш соҳаларига оид вакиллардан иборат эди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган музокаралар қизгин ўтди. Барча мақсад, шароитлар ва албатта, мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда қўшма корхона тузиш йўли билан ҳамкорликни ривожлантиришга келишилди ва бу ҳақда баённома ҳам имзоланди.

Ўзаро ҳамкорлик йўлида эришилган биринчи натижалар юзасидан ўз таассуротлари билан ўртоқлашиш ниятида Москва ҳукумати делегацияси раҳбари Александр Иванович Бачурин пойтахт «Оқшом» газеталари учун интервью берди.

— Авваламбор, Москва мэри Юрий Лужковнинг Ўзбекистон ҳукумати раҳбариятига самимий миннатдорчилигини билдирмоқчи эдим. Москва мэри Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан Россия пойтахти ва Тошкентдаги учрашувларини тез-тез эслаб туради. Маълумки, Тошкентда бўлган учрашув мобайнида Ўзбекистон Президенти икки давлат ўртасида тобора мустақамлашиб бораётган ҳамкорликни Россиянинг йирик сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази бўлиш Москва шаҳри катта ўрин эгаллашини, Ўзбекистондаги қўллаб

корхоналар ва ташқиловлар Москва билан халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли ҳамкорлик қилаётганини ва ўз навбатида Россия пойтахти корхоналари ҳам Ўзбекистонга замонавий асбоб-ускуналар ҳамда ёғоч маҳсулотлари етказиб бераётганини таъкидлаганди ҳамда кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳар томонлама имкониятларни излаб, амалга ошириш муҳимлигини, Москва мэрининг Ўзбекистонга таширифи эса шундай масалаларни муҳокама этиш учун қулай фурсат яратганини ҳам айтиб ўтган. Бу эса Россия пойтахтига билдирилган катта ишонч деб ҳисоблайман.

Бизнинг Тошкентга таширифимиз аниқ мақсадларга йўналтирилган эди. Маълумки, Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотларга нафақат Москва, балки Россиянинг барча шаҳарларида ҳам талаб юқори даражада. Ҳозирги кунга қадар бундай маҳсулотлар ҳар хил йўللар билан келтирилади, натижада, сир эмас, уларнинг нархи таннаридан бир неча баробар фарқ қилади. Шаҳарларимиз ўртасидаги келишув асосида бу соҳада ҳамкорликни тақомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида бир неча лойиҳавий таклифлар киритилган, шу жумладан Москванинг шарқий маъмурий округларидан бирида Ўзбекистон савдо бозорини ташкил қилиш. Музокаралар давомида маҳсулотлар турлари билан бирга уларнинг ҳажмлари устида ҳам келишиб олдик. Ҳамкорларимизнинг бу борада мавсумий эмас, доимий алоқаларни юзага келтириш лозим, бунинг учун эса биринчи галда қўшма корхона тузиш мақсадли бўлади деган таклифлари бизларга маълум бўлди. Ўз ўрнида музокаралар доирасида тезкорлик билан ҳал этилиши керак бўлган муаммолар юзасидан ҳам келишиб олинди, хусусан темир йўл орқали келтириладиган маҳсулотлар бўйича имтиёзли тарифлар жорий этишди. Ўз навбатида ҳамкорларимизга савдодан тушган маблағларига керакли товар (асосан металлпрокат) сотиб олишларига кўмаклашишга тайёризм. Қўшма корхонага келсак, баённомага асосан, у икки томоннинг «элликка эллик» ҳиссасидан ташкил топади. Энди фақат айрим ташкилий ишларнинг бажарилиши қолди. Яқин кунларда, ният қиламан, икки шаҳар ўртасида тузилган битим асосида Ўзбекистон маҳсулотларининг биринчи туркуми Россия томон йўл олади.

— Бошқа соҳадаги ҳамкорликлар юзасидан фикрларингизни ҳам билдирсангиз.

— Айтиб ўтилганидек, ҳар бир йўналиш бўйича махсус гуруҳлар тузилган ва уларнинг фаолияти имзоланган протокол асосида тегишли мuddатда юритилиши лозим, албатта. Менга маълум бўлишича, ҳозирда Москва кунларини Тошкентда ўтказиш ҳақида таклифлар киритилмоқда. Бу эса протоколда қамада тутилган. Бундан ташқари, Москвада буюк аллома Алишер Навоий ҳайкалинини ўрнатиш, икки томонлама таълим соҳасида алоқаларни мустақамлаш, Тошкентда автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш марказини очиш, шунингдек бир неча йўналишда ишлаб чиқариш корхоналари тузиш каби лойиҳалар бор. Уларнинг амалда ўз ифодасини топиши эса икки томонга боғлиқ деб ҳисоблайман.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Очиғи ушбу тадбирнинг шунчалар завқли бўлишини ҳаёлга ҳам келтирмаган эдик. Дарҳақиқат рақслардан иборат бу ҳақиқий томоша унинг ҳар бир қатнашчиси қалбига ўзгача завқ бағишлади. Ўзбекча рақс италянча билан алмашди, шундан сўнг яхудиёна рақс ижро этилди. Унинг ёш ижрочилари рақс сәнъатининг энг нозик томонларини томошабинга етказиш учун бутун маҳоратларини ишга солишарди. Лекин уларнинг ўзлари муסיқани эшитмасликларига кишининг асло ишонгисини келмасди...

Ҳа, бир вақтлар бу қар-соқов болаларининг ана шундай ажойиб тарзда рақслар ижро этишини ҳеч ким хатто ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Лекин ҳаётда шундай ташаббускор инсонлар борки, улар ўзларининг бутун куч-гайратларини сарфлаб иложисиз нарсаларнинг ҳам иложини топишди. Шу жиҳатдан олганда қар-соқов болалар учун мўлжалланган Тошкентдаги 101-шаҳар ихтисослаштирилган мактаб-интернатда чин фидойилар меҳнат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим. Мактаб-интернат директори Мэлс Султонов ва постановкачи, балетмейстер-хореограф Рустам Султонов, сурдопедагоглардан Елена Некрасова, Ирина Шайная, концертмейстерлар Татьяна Дубови, Фарида Курьева ва мактабнинг бошқа мутахассислари билан биргаликда болаларга билим бериш билан бир қаторда уларни рақсга тушишга ўргатиш, рақснинг нозик туйғуларини ва сахна сирларини ҳис



Маълумки, шаҳримиздаги мактабларнинг 1-4-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг туман босқичи ниҳоясига етди. Юнусобод туманида ушбу мусобақалар қай тарзда ўтказилди, қимматли голибликни қўлга киритди? Ана шу мақсадда муҳбиримиз Юнусобод тумани халқ таълими бўлимининг жисмоний тарбия услубчиси Фарход Каландаров билан суҳбатлашди.

— Шунга айтиш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт фақатгина моҳир спорт усталари учун хизмат қилмайди, балки барча инсонлар, жумладан болалар ҳамда ўсмирлар учун ўзига хос тарбия воситасини ўтади. Шу мақсадда бир

неча йиллардан бери мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган спорт мусобақалари айна мuddао бўлди. Энди жорий йилда туманимиз мактабларида «Умид ниҳолла-

ўқитувчиси эса ёшларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етуқ ўсмушларига баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

— Умид ниҳоллари» мусобақаларининг 1-4-синф ўқувчилари иштирокидаги туман босқичининг финали «Асбоб-созлик» уйингоҳида 12 та мактабнинг 520 нафар ўқувчиси иштирокида ўтказилди. Мусобақаларнинг миллий ҳаракатли йўнлар деб номланган турлида голиблик 271-мактаб ўқувчиларига насиб этган бўлса, шахмат бўйича 5-мактаб ҳамда енгил атле-



УМИД НИҲОЛЛАРИ-2001  
Ғолибликни кўзлаб

ри» мусобақаларининг ўтказилишига тўхталадиган бўлсак, туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими ёрдами билан ҳар бир мактаб ушбу мусобақаларга пухта ҳозирланди. Ва дастлабки босқич мусобақалари ўтказиб бўлинди. Дарвоқе, туманимизда 43 та мактаб мавжуд бўлиб, 1-4-синфларда ўқийдиган ўқувчилар 18 минг 951 нафарни ташкил этади. 78 нафар жисмоний тарбия



тика бўйича 257-мактаб жамоалари туман чемпионлигини қўлга киритишди. Мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган 327, 247, 88, 63-мактаб жамоалари эса совринли ўринларга сазовор бўлишди. Бундан ташқари 14 минг 389 нафар 5-7-синф ўқувчилари иштирокидаги мусобақаларнинг иккинчи босқичига аллақачон шарт берилди. 259-мактабда волейбол, 235-мактабда стол тенниси ҳамда 5-мактабда шахмат, 271-мактабда кураш бўйича 5-7-синф ўқувчилари ўртасида туман голиблиги

Анвар ЙЎЛЧИЕВ  
суҳбатлашди.

# ТАБИАТ ВА ИНСОН

№ 11 (118) Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитасининг иловаси

Манбаларда қайд қилинишича, 1921 йилда табиати муҳофазаси бўлими Ташкент улкасида махсус қўмита ташкил этилган. Унинг вазифаси ҳайвонот олами ва ўсимликлар турларини ўрганиш ҳамда уларнинг қўлайлиги, авайлаб-асрашга йўналтирилган тадбирларни қабул қилишдан иборат бўлган. Шунингдек, ер қўбининг элементларини ўрганиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш ишларини олиб бориш ҳам ана шу қўмита иш йўналиши тарихига киритилган. Қўриқоналарни ташкил этиш гоёси ана ўша пайлардаёқ туғилган бўлиб, миллий боғларни бунёд этиш зарурлиги, бу масалалар кенчиктирмадан ечимини топиши лозимлиги қўмита томонидан алоҳида таъкидланган. Аммо турли йилларда табиати муҳофазаси вазиятларда қарашлар мавжудлиги бу белгиланган вазифаларни эркин

## МУЛОҲАЗА Муқаддас бурч

эмин даражада амалга оширишга имконият бермаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин экология ва табиати муҳофазаси эшик масалаларига жиддий эътибор қаратилди. Табиати ўз аслича сақлаш ва ҳимоя қилиш борасида ўнлаб қўнунлар ҳамда қарорлар эълон қилинди. Давлатимизнинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилган Бош Қоғами — Конституциянинг 50-моддасига биноан «Табиати муҳофазаси қўмитаси» ташкил этилди. «Алоҳида муҳофазаси қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида», «Ер кодекси тўғрисида»ги Қўнунлар қабул қилинди.

Қўриқоналарнинг 50 йиллигига бағишланган мажлисда сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти диққат эътиборини экология муаммосига жиддий қаратди. Чунки она-табиатта инсон томонидан етказилган зарар жавобсиз қолмаслиги бизнинг шарафимизда Орол муаммоси билан ўз исботини топди.

Республикада Соғлом авлод йили, Аёллар йили, Оналар ва болалар йили каби тадбирларнинг эълон қилиниши ва амалга оширилишида чуккур маъно бор. Уларнинг барчаси келажак авлодга муваффақ ҳаво, тоза ер ва тиниқ сув қолдириш истагида қилинмоқда. Хар йили давлат бюджетидан экологик муаммоларни ҳал этиш учун йирик маблағлар ажратилмоқда. Хориз тажрибалари ўрганилиб, мамлакатимиз миқёсида қўлланилмоқда. Лекин бу борда эришилмаётган амаллар билан бир қаторда йил қўйилаётган камчиликлардан ҳам қўз юмиб бўлмайди. Экологик қўнунлар билан бир қаторда зарарлиқлар учун жавобгарликлар бир мунча кучайтирилган бўлса-да, бироқ бу қоидалар

га тўлиқ риоя қилинганлиги деб бўлмайди. Айниқса бундай ҳатолар кўпроқ мансабдор шахслар томонидан содир этилаётганлиги эса кечириб бўлмас ҳолдир.

Жаҳон амалиётидан маълумки, фуқаролар ўз мамлакатидан амалда юритилаётган қўнунларга ҳурмат билан қарасалар, ижобий ўзгаришларга эришиш мумкин. Шундай экан кўпроқ жамоатчилик ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориш лозим. Мақтабга тарбиялаш муассасаларда, ўрта ва олий ўқув юртиларида республикамиз ва жаҳон миқёсидаги экологик муаммоларнинг инсониятга қай даражада хавф солаётганлиги тўғрисида тез-тез семинар ва учрашувлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ. Бу борда Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси томонидан бир қатор тадбирлар қўлланилмоқда. Бу тадбирлар самараси тўғрисида пайтахтимизда табиати муҳофазаси қўмитаси сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси табиий муҳитга ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Айни дамларда шаҳримиз обод ва кўркам бўлиб, кўзни қувонтирадиган даражада яшарли бўлмоқда. Бу ерда маданий-маиший мажмуалар, бир-биридан гўзал осмонлиқ бинаолар, инсон саломатлиги учун зарур бўлган спорт мажмуалари бунёд этилиб, уларда ёш авлоднинг баркамол, тўлиқ билимга эга бўлишлари учун ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиб берилмоқда. Бунга қўшимча халқимизни яхши дам олиб, хордик чиқариши учун янги боғлар барпо этилмоқда, улар нафақат шаҳарга хусн бағишлагани қолмай, балки пайтахтимиз табиатини муътадил сақлашга ҳам маълум даражада хисса қўшмоқда. Хусусан, «Боги Эрам», «Бобур», Абдулла Қодирий, Алишер Навоий ва шунга ўхшаш бир қанча боғларнинг янгидан таъмирлангани қимми ҳам қувонтирмайди дейсиз. Айниқса «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва унга туташ боғнинг яратилиши Юнусобод тумани табиий муҳитини янада яхшилаш ишига муносиб улуш қўшди.


Шаҳримизда экологик вазиятни барқарорлаштириш ҳар жиҳатдан серкатор йўналишимизни таъмирлаш ишига ҳам боғлиқ. Ана шунинг хисобига олиб, ҳозиргача 40 километрдан ортиқ янги автомобиль йўллари бунёд этилди, 200 километрга яқин йўл қайта таъмирланди. Бундан ташқари 40 километр трамвай ва 60 километр масофага қўзилган троллейбус линиялари ҳам таъмирдан чиқарилиди.

Хулоса қилиб айтганимиз бўлса, инсон ҳаёти ҳар жиҳатдан табиат билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам табиати муҳофазаси қўмитаси, унинг муваффақлигини сақлаб қолиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланмоғи лозим. Шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси ноҳарлари мана шу вазифадан келиб чиқиб, ўз ишларига ижодий ёндашмоқдалар.

Муяссар ЮСУПОВА



Бирини кўриб қувонасиз, яна бирини кўриб ранжийсиз...



ТЕКШИРУВЛАР

## Жаримага тортилдилар

Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси ноҳирлари тез-тез жойларда бўлишиб, текширувлар ўтказиб туришди. Ана шу кузатувларда ўзига хос бир қатор камчиликлар ҳам аниқланди. Бундай кўзбўямачилик ёки ўзбошимчаликка йўл қўйган жавобгар шахслар қўмитасига яраша жазоланган жаримага тортилдилар. Қуйида улардан бир нечтаси билан танишасиз.

◆ Яқинда ноҳирлар Акмал Икромов туманида бўлганларида ушбу туманда истикомат қилувчи М. Алиевнинг рўхсатсиз дарахт кесганини ҳолатига дуч келишди. Улар дарҳол қўриқобузар яшаватган хонадонда бўлишиб, уни оғохлатиришда ва ушбу қўлимши учун 3400 сўм жаримага тортилди.

◆ Назоратчилар «Ўздиробита» қўшма корхонасида ҳам бир қатор қўриқобузарликларга дуч келишди. Хусусан, корхонада яроқсиз ҳолга келган люминисцент лампаларни зарарсизлантириш чоралари қўрилмаганлиги аниқланди ва бунга йўл қўйган корхона бош энергетиги У. Жарваев 7000 сўм жарима солинди.

◆ «Шарқ Мир» корхонаси хўжалик мудир Р. Идрисов ҳам қўриқобузар яраша жазоланди. У корхона ҳудудида пайдо бўлган майиш чинкидларини ўз вақтида олиб чиқиб кетиш тадбирини қўрилмаганлиги сабабли 7000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

◆ Маълумки, люминисцент лампаларни ўз вақтида зарарсизлантирмастик ҳоллари инсон саломатлигига путур етказиши. Шу ҳаётини қондани била туриб «Геотемус» корхонаси раҳбари Агазов унга риоя қилмаган. Бу совуқонлик унинг ҳамёнига 3500 сўм зарар келтирди.

◆ Тошкент чинни заводи пайтахтимиздаги йирик корхоналардан бири саналади. Текширувчилар ушбу корхонада ҳам қатор камчиликларга дуч келишди. Хусусан, корхонада табиий муҳитни тиклаш, инсон саломатлиги учун зарарли бўлган чинкидларини ўз вақтида йўқотиш чораларини қўрилмаганлиги боис бош муҳандис ўринбосари У. Раҳматуллаевга 10280 сўм жарима солинди.

◆ «Эшлик» корхонаси бошлиғи Н. Исмолов эса автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли моддалар миқдорини ўз вақтида текшириб, чора қўрилмаганлиги сабабли 3500 сўм миқдорда жарима тўлади.

◆ «Йўлқурилиш» корхонасида автоуловлардан чиқаётган зарарли моддалар миқдори белгиланганидан ортиқчилиги аниқланди. Бу ҳақда йўл қўйган бош механик Б. Фуломов 7000 сўмлик жаримага тортилди.

◆ 5-механизациялаш қўшма колоннада табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиши оқибатларини бартараф этиш чоралари қўрилмаганлиги тўғрисида йўл қўйган бош механик Р. Дадажонов 10280 сўм жарима тўлади.

## КОРХОНАЛАРДА Диккат марказида

«Агротаминот Б.С.» очик хоссадорлик жамияти Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган ва у 1957 йилдан бери фаолият ўрсатилади. Корхонанинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги корхоналарини эҳтиёт қилмас, махсус кийим-бошлар ва бошқа турли материал техник жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда шу вазифалар билан боғлиқ бўлган қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришдан иборат. Корхона 130919 квадрат метр майдонни эгаллайди. Улар асосан юқоридаги орбит тушириш майдончалари ва омборхоналардан иборат.

Маъмурият томонидан, ўтган йил давомида атроф-муҳит тозаланиши сақлаш мақсадида бир қатор вазифаларни бажариш режалаштирилган эди. Бу юмушлар босқичма-босқич бажарилаётган эди. Хусусан, улар жумласига омборларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш, яъни уларни замонавий қурилмалар билан бутлаш, корхона ҳудудини қўриқлаш тизимини қайта ташкил этиш, назоратдан ўтиш янги жой қурилишини низоҳатга етказиш, ёритиш ускуналари-ни замонавий экологик талабларга жавоб берувчи жиҳозлар билан алмаштириш каби юмушлар кирди. Шунингдек корхонада аккумулятор бата-реаларини қайта тиклаш таъмирлаш участкалари, ички ёнғун дивалларини таъмирлаш, пайвандаш участкаларини экологик ҳамда санитария-гигиена талабларига жавоб берувчи янги иш жойларига қўриқиб вазифалари ҳам ўз вақтида адо этилди.

Ишчи ва хизматчиларга қўлай шароит яратиш мақсадида оқватланган блоқи, физкультура-соғломлаштириш мажмуаси, сауна ва душхоналар ишга туширилди. Корхонада атроф-муҳит озодлигини таъминлаш мақсадида табиати муҳофазаси қўмитаси ва экологик барқарорлигини сақлаш қўнунчилиги талабларига риоя қилинган ҳолда, норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Уларнинг бажарилишини назорат этиш ва амалга ошириш ишлари корхона бўйича чиқариш билан бир қаторда маъмурият томонидан ҳам ўз вақтида адо этилди.

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган маиший чиқиндилар алоҳида ажратилган жойларга тўпланди. Улар махсус автобаза билан тузилган йиллик шартнома асосида ўз вақтида олиб чиқиб кетилди. Шу қўнунда «Селто» фирмаси билан фойдаланишга яроқсиз люминисцент лампаларни топириши бўйича шартнома тузилмоқда. Атроф-муҳитнинг экологик вазиятини яхшилаш ва сақлашга хизмат қилувчи тўловлар ва солиқлар ўз вақтида тўлаб берилмоқда. Маъмурий ва маиший хоналарни таъмирлаш ишлари ўзимизнинг қурилиш бригадаси ва ўз маблагимиз хисобидан амалга оширилмоқда.

Келажакдаги режаларимиздан бири 2002 йили омборхона ҳудудида жойлашган ёнғун шохобчасини алоҳида ажратилган жойга қўчириш ва замонавий экология ва табиати сақлаш талабларига жавоб берувчи жиҳозлар билан таъмирлаш вазифасидан иборат.

Тоҳир РИЗАТДИНОВ, корхона ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи.

## ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА Зийрак қарғалар

Қайси қуш ақли? Бу саволга жавоб бериш қийин, бироқ қарғаларнинг биринчи ўнликдан жой олиши шубҳасиздир. Қарғалар фаросати кишини хайратга солади. Бу қушларни Европа автомобиль йўлларида четида қўлаб учратиш мумкин. Гап шундаки, оғир юк машиналари ўтганидан сўнг ернинг чайқалиши натижасида чувалчанглар ер юзасига чиқар ва шу ерда қарғаларга ем бўлар экан.

Буюк Британияда кўпинча шундай ҳоли қузатиш мумкин. Қарғалар чўқалар елкасига қўйиб, ушбу қушларга берарво бўлган сичқонларни пойлар ва кемирвучлар пайдо бўлиши билан елгачдан тушиб, уларни тумшукка иларканлар. Қарғаларнинг яна бир хусусияти бор: улар ажойиб тактикландир. Қарғалар турли овозлар ва инсон сўзларини такроқлашлари мумкин. Базми қарғалар хатто 150га яқин сўзларни талаффуз қила олар экан.

## «Овчи» ўсимликлар

Фарбий Германиянинг Мюстер шаҳридаги мутахассислар уйларидаги ҳашаротлардан қутулишда эҳтир ўсимликлардан фойдаланишнинг тавсия этилди. Ҳашаротларни тутишни ўсимлик алоҳида парваришни талаб қилмайди. Пашшаларни овловчи сифатида эса ботқоқликда ўсадиган хашаротхўр ўсимликлар — росянка ва жиянка самараландир. Кимда ким захарли кимёвий воситалардан хавфсизроқна ёки ёпишқоқ қоғоз хона кўрқини бузади деб ҳисобласа, хашаротлардан ҳалос бўлиш учун дераза тоқчаларига «овчи» ўсимлик тувакларини қўйиши мумкин.

# Муҳаббат — бу ҳаёт

Муҳаббат азалий ва абадий олий инсоний туйғу, балоғат ёшида ҳар ёш юракда куртак очади. Шунда ҳар бир йигит ва қиз ўзига умр йўлдошини излайди. Шундан йигит — қизга, қиз — йигитга гул тутишга, мактуб йўллашга ҳаракат қилади. Оддий хат эмас, балки шеърин мактуб бўлишига ҳаракат қилади.

Ишда оз бўлса ҳам кўмак бериш, соғлом оила қуришларига ёрдам бериш мақсадида туркумли шеърин мактубларни қораладим. Марҳамат, истаганингизни кўчириб олинг. Уни ўз номингиздан йўллашингизга ижозат. Шеърлардаги уч нукталар қиз ёки йигит исмини ёзиш учун қолдирилган.

## ... ГА МАКТУБ

Сизга айтар бир гапим бор, Айтолмайман, эй дилбар. Юрагимда ихтиёр, Тилим танобини тортар.

Тўлганаман тунлари, Уйку қочар кўзимдан. Юраман мен кунлари Нафратлиб ўзимдан.

Севги экан бедаво, Ихтиёринг оларкан. Сархуш этиб бир наво Хар оҳангга соларкан.

Ёшлик экан билмасдим, Англамай Мажнун дардим. Назар-писанд қилмасдим Севинганлар оҳ-воҳин.

Бошимга тушди шу кун, Бозовта бўлиб юрак. Сиз дилбарга мен мафтун, Сизсиз ҳаёт не керак.

Севаман деб айтолмай Тилим қолар дом лол. Кўзим сиздан узолмай, Вужудим бўлар беҳол.

Дўстлар дейди қулишиб: Чин севгидан нишон. Базан хатто койишиб, Дерлар: бўлгин мардона.

Оқ қоғозга дардимни Сизга айладим баён. Тушунарсиз қалбимни, Аҳолиим билинг ёмон.

Муҳаббатнинг оташи Бардошимни ёмирди. Оғир экан иш иши, Майдалади, кемирди.

Бўлсангиз Сиз содиқ ёр, Айлардингиз гоят шод. Хар иккимиз бахтиёр, Яшар эдик умрбод.

... ГА МАКТУБ  
Балоғатга етганда ҳар ёш, Бошлаганда умр баҳори. Шунда излар содиқ бир йўлдош,

## Севги бўлар юрак сардори.

Ҳар бир қалбда ёзади япроқ Муҳаббатнинг сеvgи ниҳоли.

Ишк оёшини қурар бесўроқ, Бошдан учар хушу хаёли.

Ватан айлаб кўзин қорасин Парвонадек кезар гулзорни. Учатранда гуллар сарасин Дил бўлади оху боласи.

Севги эрур ажиб сеҳргар, Илинсан билмай домга. Этишмасанг севгинга агар Тушаркансан Мажнун ҳолига.

Азалий ва абадий яшар Муҳаббатнинг бедаво дарди. Хар юракка у оташ ташлар, Яшар экан инсон зурёди.

Мен ҳам бўлдим шу дардга дучор, Сиз парини учратган кунда. Шундан бўён чекаман озор, Сизни тушимда.

Мададқорим, ҳалосқорим Сиз, Ҳеч бир табиб беролмас шифо. Садоқатим билингки чексиз,

Қалбим тоза, нурдек мусаффо. Қанча талаб, қилсангиз синов, Барчасига бўламан рози. Малҳам сўрар қалбдаги олов, Илтимосим шу, дилим рози.

Жавобингиз кутаман, дилбар, Куну тунлар бўлиб бетоқат.

Куйдирмасин ёш дилимиз, Сўзга келмай шўх тилимиз. Пухта уйланг танангизга, Аста айтиб холангизга. Бу гапимдан Сиз ўқинманг, Тутга ўшаб дув тўқилманг. Мен ҳам шундай қиларман, Сиздан мактуб-хат кутарман. Жавоб ёзди...

Карим РАҲИМ

## ... ГА ЖАВОБ МАКТУБИ

Мактубингиз кеча олдим, Уқиб кўриб уйга толдим. Унда мактов, ширин сўзлар, Улар менни кўнглим ҳушлар. Ишк бошқа-ю ҳавас бошқа, Далил керак ишонмоққа. Қизингиз қалби чинни коса, Чега олмас агар синса. Ўлгандир ўша кун, Яхши билинг, ошиқ, буни.

Сизни ёмон деганим йўқ, Бундан бўлсин қўнғилвиз тўқ. Жуда яхши биласиз Сиз, Айтшимган ахир беҳиш: Етти ўлчаб бир кесмоқлик Ҳавас йўли шарт тўқмоқлик. Вақт эса яхши ҳақам, Севги инҳор қилган акам. Муҳаббат бир сўнмас олов, Ўт олмоқлик ундан дарров

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### Хўрматли хонимлар ва жаноблар!

«АСАКА» Банк Автотранспорт бўлими аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли омонатларга қабул қилади

Жисмоний шахслар учун миллий валютадаги омонат қоидалари қуйидагича:

№	Омонат тури	Сақлаш муддати	Йиллик фоизи	Энг кам қўйилма
1.	Пластик карточкаси		36%	1000
2.	Муддатли			
а)	6 ойдан 1 йилгача	6 ойдан 1 йилгача	35%	1000
б)	1 йилдан 3 йилгача	1 йилдан 3 йилгача	42%	1000
в)	3 йилдан 5 йилгача	3 йилдан 5 йилгача	65%	1000
г)	Табассум	45 кун	45 кунга 6%	250000
			ёки йиллик 48%	
3.	ОРЗУ	3 ой ва ундан ортиқ	ойига 3,5%	5000

«АСАКА» Банк — Сизнинг омонатингизни сақлаш ва кўпайтиши гаровидир. Манзил: 700031, Тошкент шаҳри, Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 14. Телефон — 120-81-98

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**  
Сизнинг рекламаларингизни, хусусан эълонлар ва хусусан бизнинг бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваддул кўчларни, тўқлар, юбилейлар кўрсатиш билан тўловларини, янги эълонлар ва шунга ўхшаш эълонларни ўз ҳақларидан берилади.  
Эълонлар шайба ва янгиликдан тўққизи кун кун соат 9,00 дан 17,30 гача қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Яққасарой тумани 1-сонли Давлат нотариал идора нотариуси **Шуқрулло Абдуллаевчи РАҲИМОВНИ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани 1-сонли Давлат нотариал идорасининг жамоаси шу Давлат нотариал идорасида ишлаб келган нотариуси **Шуқрулло Абдуллаевчи РАҲИМОВНИ** вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича тузар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.